

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC 27.06.2017 FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

---

УСМАНОВА ЗАКИРА УСМАНОВНА

ЕРНОКИ (*HELIANTHUS TUBEROSUS L.*) ВА САЧРАТҚИ  
(*CICHORIUM INTIBUS L.*) АСОСИДА ОЛИНГАН БИОЛОГИК ФАОЛ  
МОДДАЛАР ЙИГИНДИСИНИНГ ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.17 –Фармакология ва клиник фармакология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

**Усманова Закира Усмановна**

Ерноки (*Helianthus Tuberosus L.*) ва сачратқи (*Cichorium intibus L.*) асосида  
олинган биологик фаол моддалар йиғиндисининг фармако-токсикологик  
хусусиятлари.....5

**Усманова Закира Усмановна**

Фармако - токсикологические свойства суммы биологически активных  
веществ, выделенных из Топинамбура (*Helianthus Tuberosus L.*) и Цикория  
обыкновенного(*Cichorium intibus L.*).....19

**Usmanova Zakira Usmanovna**

Pharmako-toxicological properties of biological active substances sum  
obtained from artichoke (*Helianthus Tuberosus L.*) and  
(*Cichorium intibus L.*).....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....38

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC 27.06.2017 FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ЗАКИРА УСМАНОВНА

ЕРНОКИ (*HELIANTHUS TUBEROSUS L.*) ВА САЧРАТҚИ  
(*CICHORIUM INTIBUS L.*) АСОСИДА ОЛИНГАН БИОЛОГИК ФЛОЛ  
МОДДАЛАР ЙИГИНДИСИНИНГ ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.17 –Фармакология ва клиник фармакология

БИОЛОГИЯ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B233 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертацияси Тошкент Фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзисва Зиёда Тураевна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Алласва Мунира Журакуловна  
биология фанлари доктори, доцент  
Якубова Лутфия Каримджановна  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ётакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент Фармацевтика институти хузуридаги DSc 27.06.2017 Yag.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 01 соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38 факс: (99871) 256-45-04); e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 17 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 01 куни тарқатилди.  
(2020 йил «16» 01 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



  
И.И.Алимджанов  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
Ё.С.Кариева  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, фарм. фанлари доктори, профессор

  
Б.Ш.Шоисломов  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати Ҳозирги кунда бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимида қандли диабет билан касалланиш глобал тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро диабетик Федерация маълумотларига кўра 2025 йилга бориб қандли диабет билан оғриган беморлар сони 380 миллиондан ортади, улардан 90% эса 2 типдаги қандли диабет билан оғриган беморларни ташкил этади<sup>1</sup>. Қандли диабетнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти касалликнинг кўп сонли оғир асоратлари, юқори даражадаги ногиронлик ва ўлим сони билан аниқланади. Ушбу патологияни олдини олиш ва даволаш мақсадида маҳаллий ўсимликлар асосида олинган дори препаратларининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қандли диабет ва унинг асоратларини даволаш учун метаболоик жараёнларга турлича таъсир этувчи дори воситаларининг фармако-токсикологик изланишларини амалга ошириш, уларнинг таъсир механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий доривор ўсимлик хомашёсидан олинган дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларнинг гипогликемик фаоллигини баҳолаш, препаратларнинг клиникагача бўлган фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш, ўткир захарлилигини аниқлаш тақозо этмоқда.

Республикамизда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган дори воситалар ва БФҚларнинг ассортиментини кенгайтириш, биологик самарадорлигини ва безарарлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган экспортбоп дори воситалар ва БФҚнинг ассортиментини кенгайтириш, уларнинг фармакотерапевтик таъсирини ўрганиш, токсик эмаслигини исботлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-

<sup>1</sup> Тарасенко Н.А. Сахарный диабет: действительность, прогнозы, профилактика // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Маҳаллий топинамбур ва сачратки асосидаги гипогликемик дори воситаларини кимёвий таркиби ўрганиш, стандартлаш, уларни фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш соҳасида етакчи маҳаллий олимлар С.Н.Аминов, Н.К.Олимов, Х.У.Алиев, М.У.Усуббаев ва б.нинг илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ва МДХ давлатларида юқоридаги ўсимликлардан субстанцияларни олиш, қандли диабетни комплекс даволаш учун ўсимликлар асосида дори воситалари ишлаб чиқиш, уларни фармакологик хусусиятларини излаш ва ўрганиш бўйича С.У.Lui, А.G.Wang, J.B.Yang А.А.Спасов, В.И.Петров, Е.А.Краснов, Т.В.Якимова ва б. томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар қизиқиш уйғотади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти «Физиологик фаол моддалар ва биологик фаол қўшимчаларнинг фармако-токсикологиясини ўрганиш» ҳамда А-10-059 «Маҳаллий хом ашё асосидаги перорал антидиабетик дори воситаларини яратиш технологияси ва стандартизацияси» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** диагличон препаратининг фармако-токсикологик таъсифини, шунингдек сачратки асосида олинган биологик фаол қўшимчасининг гипогликемик таъсирини ва ўткир захарлилигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диагличон препаратини гипогликемик самарасини экспериментал гипергликемиянинг турли моделларида ўрганиш;

диагличон препаратининг гипогликемик таъсир механизмини аниқлаш;

диагличон препаратининг клиникагача бўлган фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш;

диагличон препаратининг сурункали захарлилигини ўрганиш;

диагличон препаратини организмнинг асосий аъзо ва тизимлари фаолиятига таъсирини ўрганиш;

сачратки асосида олинган БФҚнинг ўткир захарлилиги ва биологик фаоллигини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўсимликлардан олинган янги препарат диагличон ва сачраткидан тайёрланган БФҚ танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** диагликон препарати ва сачратқи асосида тайёрланган БФҚнинг гипогликемик таъсирини турли хил экспериментал моделларда ўрганиш, диагликон препаратининг токсикологик хусусиятларини, организмнинг турли аъзо ва тизимларига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда фармакологик, биокимёвий, токсикологик, патоморфологик, иммунологик, гематологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк экспериментал гипергликемиянинг турли моделларида диагликон препаратининг сезиларли гипогликемик таъсирга эга эканлиги исботланган;

илк бор диагликон препаратининг гипогликемик таъсир механизми мақсадга мувофиқ аниқланган;

диагликон препаратининг клиникагача бўлган токсикологик хусусиятлари аниқланган;

илк бор диагликон препаратини тажриба ҳайвонларининг асосий аъзо ва тизимлари фаолиятида ноҳуя патоморфологик ўзгаришлари йўқлиги исботланган;

*Cichorium intubus* L. асосида БФҚ яратилган ва унинг гипогликемик таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диагликон препарати экспериментал гипергликемиянинг турли моделларида сезиларли гипогликемик таъсир намён қилиши исботланган;

диагликон препарати кам захарлилиги, узоқ вақт давомида юборилганда тажриба ҳайвонлари томонидан яхши ўзлаштирилиши, тананинг гематологик, биокимёвий кўрсаткичларини ва тўқималарнинг гистологик тузилишини ўзгаришларига олиб келмаслиги аниқланган;

диагликон препарати тажриба ҳайвонларининг асосий ички орган ва тизимларининг фаолиятини сезиларли ўзгартирмаслиги аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси улар етарли миқдордаги лаборатория ҳайвонларида мос фармакологик, физиологик, токсикологик, гистологик усуллардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни статистик қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терапевтик самарадорлиги бўйича синтетик дори воситаларидан қолишмайдиган ва иктисодий самарадорлиги юқори бўлган ўсимликлардан олинган гипогликемик дори воситалари ишлаб чиқилганлиги, дори воситаларининг ҳар томонлама фармако-токсикологик тадқиқотлари ўтказилганлиги ҳамда фаоллиги юқорилиги, безарарлиги тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дори воситаларининг юқори самарадорлиги исботланиб, тиббиёт амалиётида қўллаш учун жорий

этилганлиги билан изоҳланади. Бу эса ушбу фармакотерапевтик таъсирли дори воситаларининг хориждан келтирилишини камайишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ерноки (*Helianthus tuberosus* L.) ва сачратқи (*Cichorium intibus* L.) асосида олинган биологик фаол моддалар йиғиндисининг фармако-токсикологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Оддий сачратқи ўсимлигидан курук экстрактини олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05980, 20.09.2019й.). Натижада хориждан импорт қилинадиган диабетга қарши дори препаратларни ўрнини босадиган дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган;

«ANTIDIABET» йиғмаси асосида тайёрланган капсула шаклидаги БФҚга техник шартлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан (Ts 26140431-001:2019) ва технологик йуриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 26140431-001:2019). Натижада диабет касаллигининг олдини олиш ва даволаш учун биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган.

«Метаболик синдромини коррекциялашда дори воситаларни тажриба шароитида ўрганиш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 февралдаги 8н-р/24-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма метаболик тизимни коррекциялаш ва ривожланадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг анробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та ихтиро патенти олинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

#### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва ахамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз

ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби адабиётлар шархи «Қандли диабетнинг фармакотерапиясида ўсимликлардан олинган дори воситаларининг ўрни» деб номланади. Бобда иккинчи типдаги қандли диабетни юзага келиш сабаблари ва мазкур касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қандли диабетнинг фитотерапиясида ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари кенг қўлланилади, уларга кам захарлилик, кумулятив хусусиятларнинг ва салбий ноҳўя таъсирларнинг мавжуд эмаслиги хосдир.

Фитопрепаратларни кўп асрлик қўллаш тажрибаси уларнинг айниқса қандли диабетнинг 2 типини даволашда юқори самарадорлигини кўрсатди. Шунини ҳисобга олган ҳолда сўнгги йилларда доривор ўсимликларни фармакологиясини ўрганишга катта аҳамият қаратилмоқда. Адабиётлар таҳлилида ўсимлик табиатли янги гипогликемик дори воситаларига таалуқли бўлган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларда қўлланилган материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг умумий тавсифи келтирилган, тадқиқот усуллари тўлиқ баён этилган. Тадқиқотлар ўтказишда оғирлиги 18-22 г бўлган оқ сичқонлардан, оғирлиги 150-210 г бўлган оқ қаламушлардан, оғирлиги 2,1-3,0 кг бўлган қуёнлардан, оғирлиги 350-410 грамм бўлган денгиз чўчкаларидан, фойдаланилди. Тажрибалар икки йўналишда олиб борилди: 1) гипергликемиянинг турли моделларида диагликоннинг гипогликемик таъсирини қиёсий баҳолаш; 2) диагликонни фармако-токсикологик тавсифини ўрганиш.

Ўткир гипергликемия моделини О.В.Ремизова ва Т.Л.Қураева китобида баён этилган усул бўйича чақирилди [Моделирование сахарного диабета в эксперименте.2003].Овқатни тадқиқ қилинаётган моддани сўрилишига таъсирини олдини олиш мақсадида ҳайвонларга тажриба ўтказилишидан 4-6 соат олдин овқат берилиши тўхтатилди. Бундан узоқроқ давом этадиган оч қолиш мумкин эмас, сабаби бундай ҳолатда дори воситасининг гипогликемик самараси сустроқ намоён бўлади.

Қаламушларда экспериментал гипергликемияни қорин пардасига бир марта 4,5 г/кг дозада глюкозани гипертоник эритмасини юбориш йўли билан чақирилди. Глюкозани юборишдан 30 дақиқа олдин текширилувчи модданинг 10% ли сувли эритмасини зонд ёрдамида оғиз орқали юборилди. 30,60,90 ва 120 дақиқадан сўнг қондаги глюкоза даражасини «Нихол» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган реактивлар жамланмаси ёрдамида ферментатив усул билан аниқланди.

Тажрибаларнинг алоҳида сериясида диагликонни адреналинли гипергликемиянинг кечишига кўрсатадиган таъсири В.Г.Баранова ва

бошқалар томонидан қайд этилган усул билан ўрганилди [Методические рекомендации.2006. Тажрибалар тана оғирлиги 170-190 грамм бўлган 30 дона каламушларда ўтказилди. Бунинг учун тажриба гуруҳ хайвонларига оғиз орқали диагличонни 100 мг/кг дозасидан юборилди. Назорат гуруҳ хайвонлари эса шунга мос ҳажмдаги физиологик эритма қабул қилдилар. 30 дақиқадан сўнг 50 мг/кг дозада адреналин юборилди ва ферментатив усул билан динамикада қанд даражаси аниқланди. Тажриба ўтказилишидан олдин юқорида келтирилган усул бўйича каламушлар 8 соат давомида оч колдирилди.

Аллоксан диабет модели О.В.Ремизова ва Т.Л.Кураева томонидан қайд этилган усул бўйича юзага келтирилди [Моделирование сахарного диабета в эксперименте.2003]. Тадқиқотлар учун оғирлиги 160-175 грамм бўлган, жинсий этилган лаборатория оқ каламушларидан фойдаланилди. Бир марта вена ичига юбориш усулида аллоксаннинг диabetоген дозаси 150 мг/кг ни ташкил этди. Тулик ишонч ҳосил қилиш учун қон таркибидаги глюкоза миқдорини ферментатив усул билан аниқландилди. Аллоксанга нисбатан хайвонларнинг сезувчанлиги турли даражада бўлиши мумкин, шу сабабли, хайвонларда аллоксанли диабетнинг енгил ва ўртача оғирликдаги кечишини аниқладик.

Сўнгра хайвонлар икки гуруҳга бўлинди: диабетнинг енгил кечиш ҳолатидаги хайвонлар ва ўртача оғирлик шаклидаги хайвонлар. Биринчи гуруҳга гипергликемия даражаси 11,5-13,5 ммоль/л бўлган хайвонлар киритилган бўлса, иккинчи гуруҳга гипергликемияси 20,0-23,0 ммоль/л бўлган хайвонлар киритилди. Хайвонларни диагличон ва глюкозани 100 мг/кг дан юбориш йўли билан даволанди. Назорат гуруҳ хайвонлари эса шунга мос ҳажмда бўлган физиологик эритма қабул қилдилар. Ўрганилаётган модда 20 сутка давомида 5% эритма кўринишида оғиз орқали юборилди. 10 ва 20-кунни қон таркибидаги қанд миқдори аниқланди.

Назорат гуруҳ хайвонлари эса шунга мос ҳажмда бўлган физиологик эритма қабул қилдилар. Ўрганилаётган модда 20 сутка давомида 5% эритма кўринишида оғиз орқали юборилди. 10 ва 20-кунни қон таркибидаги қанд миқдори аниқланди.

Оксихинолинли диабет модели. “Янги фармакологик моддаларни экспериментал (клиникагача) ўрганиш бўйича қўлланма”да [Фисенко В.П.2000] баён қилинган усулга мос ҳолда оксихинолинли диабетни кўёнларда 5-фенилазо-8-оксихинолинни 20-40 мг/кг дозада вена ичига юбориш орқали юзага келтирилди. Оксихинолин ҳосилаларига сезгирликни ошириш мақсадида хайвонларга тажриба бошланишидан икки кун олдиндан овқат берилмади. Хар икки жинсдаги, оғирлиги 2,3-2,9 кг бўлган, 24 дона кўёнларда юзага оксихинолин билан диабет чақирилди. Буни тасдиқлаш учун 2 кундан сўнг кўёнларнинг қулок венасидан қон олинди ва ундаги глюкоза даражаси аниқланди. Хайвонларни диагличонни 50 ва 100 мг/кг дозаси, глюкозанинг 100 мг/кг дозасининг 10% эритмасини оғиз орқали юбориш

усули билан даволанди. Тажриба 30 кун давомида олиб борилди; 15 ва 30-кунларида динамикада гликемия даражаси кузатилди.

Кейинги тажрибаларда диагличоннинг баъзи гипогликемик таъсир механизмлари ўрганилди. Қондаги С-пептид даражасига диагличоннинг таъсири тана оғирлиги 170-190 грамм бўлган 24 дона оқ каламушларда аллоксанли диабет шароитида ўрганилди. Тажриба остидаги ҳайвонларни диагличонни 50 мг/кг, глукейрнинг 100 мг/кг дозаси билан 2 ҳафта давомида оғиз орқали юбориш билан даволанди. Назорат ҳайвонлари шунга мос бўлган ҳажмда физиологик эритма қабул қилдилар. Тажрибанинг 7 ва 14-кунда қон таркибидаги С-пептид даражаси аниқланди.

Жигардаги гликоген миқдорида диагличоннинг таъсирини тана оғирлиги 170-180 грамм бўлган 42 дона оқ каламушларда ўрганилди. Тажрибадаги гуруҳ ҳайвонларига 3 сутка давомида 50 ва 100 мг/кг дозада оғиз орқали диагличон юборилди. Назорат гуруҳи ҳайвонлари эса мос ҳолда физиологик эритма қабул қилдилар. Тажриба сўнггида антрон реактиви ёрдамида жигар ва мушаклардаги гликоген миқдори аниқланди [Юнусходжаев А.Н.2000]. ]

Кейинги тажрибалар диагличоннинг гексокиназа ва фосфорилаза ферментлари фаоллигига таъсирини ўрганишга бағишлангандир. Тажрибалар тана оғирлиги 170-190 грамм бўлган 24 дона оқ каламушларда аллоксанли диабет шароитида ўтказилди. Тажриба гуруҳ ҳайвонларига икки ҳафта давомида диагличонни 50 мг/кг ва 100 мг/кг дозаси юборилди. Ҳайвонларнинг назорат гуруҳи мос ҳолдаги физиологик эритма қабул қилдилар. Аллоксанни юборишдан олдин ва кейин биоматериалдаги ферментлар фаоллиги аниқланди. Гексокиназа фаоллигини аниқлаш учун глюкозанинг якуний миқдори (назорат синамаси) ва гексокиназа реакциясидан кейинги намуналарда қолган глюкоза миқдори (тажриба синамаси) ўлчанди ҳамда назорат ва тажриба синамалари ўртасидаги фарқ бўйича гексакиназа фаоллиги ҳисоблаб чиқилди. Тажрибанинг кейинги серияларида диагличоннинг умумий фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилди. Олинган барча маълумотлар Стъюдент t-критериясидан фойдаланган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, inc. (2001) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Экспериментал изланишларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида олиб борилган тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси тақдим этилган. Бизлар томонимиздан ўткир алиментар гипергликемия моделида диагличоннинг фаоллигини глукейр ва глипилл каби гипогликемик дори воситалари билан таққосланди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Қиёсий тажриба натижалари кўрсатдики, алиментар гипергликемия фонида 50 мг/кг дозадаги глипиллни, 50 мг/кг дозадаги диагличонни ва 100 мг/кг дозадаги глукейрни юборилгандан сўнг юқори самара 60-дақиқада кузатилади. 60-дақиқадан бошлаб қондаги қанд даражаси назорат гуруҳига нисбатан мос ҳолда қуйидагича пасаяди 29,3%; 42,7% ва 37% (1 жадвал).

Бундан келиб чиқадики, диагликон якқол гипогликемик самарага эга ва у фаоллиги бўйича қиёсланган дори воситаларидан қолишмайди.

1 – жадвал

Эксперименталь гипергликемияда диагликон, глюкоз ва глипилнинг қондаги қанд миқдорига таъсири (ммоль/л). n=6

Дори воситаси	Миқдори, мг/кг	Дори юборгандан кейинги вақт (интакт хайвонларда 4,65±0,3 ммоль/л)		
		30 дақиқа	60 дақиқа	120 дақиқа
Физиологик эритма	1 мл	8,5±0,3* (82)	8,9±0,45* (91)	6,6±0,25** (42)
Глипил	50 мг/кг	6,7±0,2 <sup>^^</sup> (44)	6,3±0,32 <sup>^^</sup> (35,5)	5,5±0,4 <sup>^^*</sup> (18,3)
Диагликон	50 мг/кг	5,8±0,2 <sup>^^*</sup> (24,7)	5,1±0,3 <sup>^^*</sup> (12)	4,9±0,2 <sup>^^*</sup> (5,3)
Глукоз	100 мг/кг	6,1±0,25 <sup>^^*</sup> (31,1)	5,6±0,4 <sup>^^*</sup> (20,4)	5,3±0,2 <sup>^^*</sup> (13,9)

Изох: \* - P<0,05, назорат гуруҳига нисбатан математик аниқлик даражаси

\*\* - I-гуруҳ интакт хайвонларда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси (p<0,05); \*\* - худди шу, 30-дақиқада олинган натижаларга нисбатан; \*\*\* -30-дақиқада олинган натижаларга нисбатан; ^ худди шу, физ. эритма юборилган II гуруҳда олинган натижаларга нисбатан (p<0,05; ^^ - худди шу, III гуруҳда «Глипил» юборилган олинган натижаларга нисбатан (p<0,05; ^^\* - худди шу III гуруҳда «Диагликон» юборилган олинган натижаларга нисбатан (p<0,05).

Сўнгра аллаксон диабет қақирилган тажриба хайвонлари қондаги қанд даражасига диагликоннинг таъсири ўрганилди ва унинг фаоллигини глипил ва глюкоз билан таққосланди. Тадқиқотлар тана оғирлиги 180-200 грамм бўлган 72 дона оқ қаламушларда олиб борилди. Диабетни аллоксани 150 мг/кг дозада тери остига бир марта юбориш билан юзага келтирилди. Хайвонларни диагликон ва глипилни 50 мг/кг дозада юбориш ва глюкозни 100 мг/кг дозада юбориш йўли билан даволанди. Назорат хайвонлари 1 мл дан физиологик эритма қабул қилдилар. Дори воситалари 20 сутка давомида оғиз орқали юборилди. Тажрибанинг 10 ва 20-кунларида қондаги қанд миқдори аниқланди. Тажриба натижалари 2 жадвалда келтирилган.

Тажриба натижаларидан аниқландики, қандли диабетнинг енгил шаклида диагликон қондаги қанд миқдорини 20 кундан сўнг дастлабки натижаларга нисбатан 35,5% га ва назоратга нисбатан 17,6% га қамайтиради, глипил эса мос ҳолда 37,4% ва 23,7% га, глюкоз эса 41,5% ва 30,6% га, касалликнинг ўртача оғирлик шаклида эса диагликон 38,9% ва 18,3%га, глипил эса 33,9% ва 22,7%, глюкоз эса 37,7% ва 23,2% га қамайтиради.


Бундан келиб чиқадики, диагликон дори воситаси аллаксанли диабетда якқол самарали гипогликемик таъсирга эга бўлиб, у шу хусусияти бўйича глипил ва глюкоздан қолишмайди.

## Аллоксанли диабетда диагликон, глипил ва глюкозанинг қондаги канд микдорига таъсири, ммоль/л

Препарат	Дастлабки қондаги канд микдори	Аллоксан юборилгач қондаги канд микдори	Препарат юборилган кунлар			
			10-кун		20-кун	
Енгил кечим						
Физ.эр. 1 мл	4,8±0,2	12,4±0,7*	11,5±1,1*	100%	10,8±1,1*	100%
Диагликон, 50 мг/кг	4,8±0,2	13,8±1,3*	10,6±1,6	76,8 92,2	8,9±0,9 ***	64,5 82,4
Глипил, 50 мг/кг	4,8±0,2	13,1±1,5*	11,2±0,8*	85,5 97,4	8,2±0,7 ****	62,6 76,3
Глюкейр 100 мг/кг	4,8±0,2	12,6±0,9*	10,4±1,2*	82,9 90,9	7,5±0,6 ***	58,5 69,4
Ўртача оғирликдаги кечим						
Физ.эр. 1мл	5,1±0,4	23,3±1,4*	21,9±1,3*	100%	18,1±1,2 ***	100%
Диагликон, 50 мг/кг	5,1±0,4	24,2±1,8*	20,3±0,7*	83,8 92,6	14,8±0,8 ****	61,1 81,7
Глипил, 50 мг/кг	5,1±0,4	23,9±0,9*	20,7±1,0**	86,6 94,5	15,8±1,3 ****	66,1 87,3
Глюкейр, 100 мг/кг	5,1±0,4	22,3±1,2	19,8±1,9 <sup>x</sup>	88,8 90,4	13,9±1,5 ****	62,3 76,8

Шух. Сурат-дастлабки натижаларга нисбатан %, махражда назоратга нисбатан %, аниқлик даражаси  $P < 0,05$  \* - *интакт ҳайвонларда олинган натижаларга нисбатан* ( $p < 0,05$ ); \*\* - *аллоксан юборилгандан сўнг олинган натижаларга нисбатан*; \*\*\* - *аллоксан юборилгандан сўнг 10-кунда олинган натижаларга нисбатан*; ^ - *худди шу II гуруҳда физ.эр. юборилгач олинган натижаларга нисбатан* ( $p < 0,05$ ); ^^ - *худди шу III гуруҳда "Диагликон" юборилгач олинган натижаларга нисбатан*; ^^ - *худди шу III гуруҳда "Глипил" юборилгач олинган натижаларга нисбатан* ( $p < 0,05$ )


Гипергликемиянинг ривожланиш механизmlаридан бири бўлган стресс ва адреналинни кўп микдорда қонга ажралиб чиқишини ҳисобга олсак, адреналинли гипергликемия моделида ўсимлик препаратларининг гипогликемик хусусиятини ўрганиш қатта қизиқиш уйғотади. Дори воситаларини адреналинни юборишдан 30 дақиқа олдин киритилди. Олиб юборилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 50 мг/кг дозада юборилган диагликон қон таркибидаги глюкозани ишонарли даражада пасайтиради. Адреналин киритилгандан сўнг 30 дақиқа ўтгач глюкоза микдори  $9,2 \pm 0,21$  ммоль/л дан  $6,1 \pm 0,1$  ммоль/л га, 60 дақиқа ўтгач,  $8,3 \pm 0,4$  ммоль/л дан  $5,7$  ммоль/л гача пасайди, яъни дори воситасининг самарадорлиги мос ҳолда 33,7% ва 34,4% ни ташкил этди. 100 мг/кг дозадаги глюкозани қабул қилган ҳайвонларнинг қонидаги глюкоза даражаси 30 ва 60- дақиқада  $6,3 \pm 0,4$  ва  $5,9 \pm 0,5$  ммоль/л га пасайди, (самара 31,5% ва 29,0%ни ташкил этди). 50 мг/кг дозада глипилни киритилгандан сўнг қондаги глюкоза даражаси 30 ва 60 - дақиқада  $7,6 \pm 0,3$  ва  $6,4 \pm 0,5$  ммоль/л га пасайди (самара 17,4% ва 22,9%) (1- расм).



1 расм. Адреналинли гипергликемияда дори воситалари таъсири остида хайвонлар қонидаги глюкоза миқдорини ўзгариши

Бундан келиб чиқадики, диагликон ва глукейр адреналин билан чақирилган гипергликемияни самарали даражада пасайтиради. Глипил препаратининг самараси сустрок эканлиги аниқланди.

Оксихинолин диабети фонида препаратларнинг биологик фаоллигини ўрганиш куйидаги натижаларни берди: назорат гуруҳидаги гликемия даражаси тадқиқотнинг 15 ва 30- кунларида  $13,2 \pm 0,6$  ва  $11,4 \pm 0,7$  ммоль/л ни ташкил этди. Диагликонни 50 мг/кг дозада киритилгандан 15 ва 30 кун ўтиб қондаги глюкоза даражаси назоратга нисбатан 25,8% ва 41,3% га камайди, яъни  $9,8 \pm 0,2$  ва  $6,7 \pm 0,5$  ммоль/л ( $P \leq 0,05$ ) ни ташкил этди. 100 мг/кг дозадаги препарат худди шу муддатларда гликемияни назоратга нисбатан мос ҳолда 29,5% ва 43,5% га камайтирди. Глукейр эса 100 мг/кг дозада гликемияни назоратга нисбатан 21,0% ва 28,5% га камайтирди (№2 расм).




2 расм. Диабетнинг оксихинолин моделида диагликон ва глукейрни гипогликемик таъсири

Шундай қилиб, диагликон диабетнинг рух етишмайдиган шакллари кечишига ижобий таъсир кўрсатади ва бу хусусият бўйича глукейр препаратидан сезиларли даражада устунликка эгадир.

Препаратларнинг таъсир механизмини баъзи томонларини аниқлаштириш мақсадида қон зардобидаги С-пептид даражаси, жигардаги гликоген миқдори, ҳайвонлар жигари ва мушакларидаги фосфорилаза ва гексакиназа ферментларининг фаоллиги ўрганилди.

Маълумки, С-пептид β-хужайралар томонидан инсулинга эквивалент миқдорда ишлаб чиқилади. Олиб борилган тадқиқотлар, аллоксанли диабетга учраган каламушларнинг меъда ости безидаги β-хужайраларида некротиз ривожланиши натижасида С-пептид секрециясини сезиларли даражада пасайишини кўрсатди. Назорат гуруҳида С-пептид даражаси аллоксон юборилганини 7 ва 14-кундан сўнг  $0,35 \pm 0,06$  пг/мл ва  $0,31 \pm 0,03$  пг/мл ни ташкил этди. 7 ва 14 кун давомида диагликонни 50 мг/кг дозада юбориш С-пептид секрециясини  $0,44 \pm 0,05$  пг/мл ва  $0,52 \pm 0,07$  пг/мл га ортишига олиб келди (препарат самарадорлиги 25,7% ва 67,7%). Препарат дозасини 100 мг/кг дозага оширилиши С-пептид миқдорини 7 ва 14- кунларга келиб мос холда  $0,57 \pm 0,08$  пг/мл ва  $0,61 \pm 0,05$  пг/млга кўпайишига олиб келди (самарадорлик 62,8% ва 96,7%). Глукейр юборилган гуруҳда С-пептид даражаси 7 ва 14 кунларда мос холда  $0,43 \pm 0,06$  пг/мл ва  $0,46 \pm 0,04$  пг/мл ни ташкил этди (самарадорлик 22,8% ва 48,3%) (№3 расм).



3-расм. Диагликон ва глукейрни С-пептид миқдорига таъсири.

Изох: \*- назоратга нисбатан аниқлик даражаси (\* -  $P < 0,05$ )

Демак, диагликониинг гипогликемик таъсири  $\beta$ -хужайралар секретор фаоллигини ошиши билан боглик, глукейрда эса бу хусусият сустроқ намоён бўлади.

Шунингдек бизлар томонимиздан тажриба хайвонлари жигари ва мушакларида гликоген миқдори ўрганилди. Аллоксанли диабет фониди ўрганилган тўқималарда гликогеннинг захираси сезиларли даражада камаяди. Ўрганилган гипогликемик препаратлар ўрганилган тўқималарда гликоген миқдорини сезиларли даражада ортишига олиб келди (3- жадвал). 50 мг/кг дозадаги диагликони 7 кундан сўнг жигар ва мушакларда гликоген миқдорини назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 61% ва 35%га оширди. 100 мг/кг дозада эса диагликониинг самараси 82% ва 46,8% ни ташкил этди. Глукейр киритилгандан сўнг эса жигар ва мушаклардаги гликоген миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 48,2% ва 25,6% га ошди.

3 жадвал

Аллоксанли диабетда диагликониинг жигар ва мушаклардаги гликоген миқдорига таъсири

Препаратлар	Қондаги глюкоза миқдори, ммоль/л	Гликоген миқдори, мг/г тўқима	
		жигарда	Мушакларда
Интакт	4,58±0,30	38,50±1,60	19,05±1,45
Аллоксанли диабет+физ.р-р	17,3±1,15 <sup>^</sup>	20,34±1,19 <sup>^</sup>	12,60±1,08 <sup>^</sup>
Аллоксанли диабет + диагликони:			
50 мг/кг	13,10±0,83 <sup>^,^^</sup>	32,83±2,11 <sup>^^</sup>	17,01±1,20 <sup>^^</sup>
100 мг/кг	11,24±1,07 <sup>^,^^</sup>	37,02±1,13 <sup>^^</sup>	18,50±1,82
Аллоксанли диабет + глукейр:			
100 мг/кг	12,40±0,63 <sup>^,^^</sup>	30,14±1,16 <sup>^,^^,^^,^^</sup>	15,83±1,50

Изох: <sup>^</sup> - интакт хайвонларда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); <sup>^^</sup> - худди шу, назоратга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); <sup>^^^</sup> - худди шу, диагликони юборилган гуруҳда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ).

Бундан келиб чиқадики, диагликони жигар ва мушаклардаги гликоген миқдорини сезиларли даражада тикланишига олиб келади. Мазкур йўналишда диагликони препарати глукейрга нисбатан юқори самарали ҳисобланади.

Кейинги олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аллоксанли диабетга учраган қаламушларнинг мушакларидаги фосфорилазининг фаоллиги сезиларли даражада ортади. Бу диабет учун хос бўлган тажриба хайвонлари тўқималаридаги гликогенолизнинг фаоллашишидан дарак беради. Гликогенолизнинг қучайиши ўз навбатида гипергликемия

ривожланишига олиб келади.

Тажриба натижалари 50 мг/кг дозада диагликон қабул қилинганда 30 ва 60 дақиқада инкубацияда фосфорилаза фаоллиги 28% ва 30,4% га камайишини кўрсатди. 100 мг/кг дозада диагликон фосфорилаза ферменти фаоллигини 32,8% ва 34,3% га камайтирди (4-жадвал).

4 жадвал

Диагликоннинг мушак фосфорилазаси фаоллигига таъсири

Препаратлар	Фосфорилаза фаоллиги инкубациядан сўнг (ХБ)	
	30 мин	60 мин
Интакт	15,85±1,20	24,50±1,65*,^
Аллоксанли диабет + физ. эр	25,43±1,42^	38,95±2,15*,^
Аллоксанли диабет + диагликон 50 мг/кг	18,40±1,30^^	27,10±1,32*^^
Аллоксанли диабет + диагликон 100 мг/кг	17,10±1,25^^,^^	25,60±1,40*,^^

Изох: ^ - интакт хайвонларда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); ^^ - худди шу, назоратга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); ^^^ - худди шу, диагликон юборилган гуруҳда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ).

Бундан келиб чиқадики, диагликон аллоксан диабетли каламушларнинг мушакларида фосфорилазани кескин фаоллашишини олдини олади. Олинган натижаларга кўра шуни тахмин қилиш мумкинки, диагликон таъсирида юзага келган аллоксан диабетли каламушларнинг жигар ва мушакларида гликоген даражасининг ортиши фосфорилаза фаоллигини пасайиши натижасида гликогенни парчаланишини секинлашиши билан боғлиқдир.

Глюкоза алмашинувини бошқарувчи ферментлардан бири бўлиб гексокиназа ҳисобланади. Шу сабабли тажрибаларда диагликонни гексокиназа фаоллигига таъсири ўрганилди. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5 жадвал

Диагликоннинг мушак ва жигардаги гексокиназа фаоллигига таъсири

Препаратлар	Фермент фаоллиги (ХБ)	
	Жигар глюкокиназаси	Мушак гексокиназаси
Интакт	128,10±4,50	118,95±3,25
Аллоксанли диабет + физ. эр.	105,80±2,70^	98,70±4,10^
Аллоксанли диабет + диагликон 50 мг/кг	140,55±3,45^^	156,30±2,30*^^
Аллоксанли диабет + диагликон 100 мг/кг	147,69±6,20^^,^^	161,10±3,68^,^^

Изох: ^ - интакт хайвонларда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); ^^ - худди шу, назоратга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ); ^^^ - худди шу, диагликон юборилган гуруҳда олинган натижаларга нисбатан аниқлик даражаси ( $p < 0,05$ ).

Тажриба натижаларидан кўринадики, диагликон жигардаги глюкокиназани, айниқса мушаклардаги гексакиназани сезиларли даражада фаоллаштиради. Демак, диагликонни гипогликемик таъсир механизми асосида глюкозанинг метаболик фаол шакллари хосил бўлишини тезлаштириши ётади, бу эса тўқималар томонидан глюкозани ўзлаштирилиши яхшилашнинг билдириши.

Кейинги серия тажрибаларда диагликонни токсикологик хусусиятлари ўрганилди. Натижада диагликон ўрганилган дозаларда (50 ва 100 мг/кг) ўткир ва сурункали захарланишга олиб келмаслиги, кумулятив, аллергик, тератоген ва эмбриотоксик таъсирларга эга эмаслиги аниқланди.

Алохида серия тажрибаларда диагликонни 50 ва 100 мг/кг дозаларда юрак фаолиятига, артериал босим ва нафасга, бўйракнинг айирув фаолиятига, марказий асаб тизимига таъсири ўрганиб чиқилди. Тажриба натижалари ушбу ўрганилган аъзоларнинг фаолиятини диагликон препарати сезиларли ўзгартирмаслигини кўрсатди.

Кейинги тажрибаларда ўткир алиментар ва аллоксанли гипергликемия моделларида лаборатория ҳайвонлари қонидаги қанд даражасига оддий сачратки (*Cichorium intubus L.*) асосида олинган БФҚнинг таъсири ўрганилди. Натижада оддий сачраткидан тайёрланган БФҚ ўткир алиментар гипергликемияда сезиларли гипогликемик таъсирга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, оддий сачратки асосида олинган БФҚ тажриба ҳайвонларига бир марта юборилганда кам захарли эканлиги аниқланди.

#### ХУЛОСАЛАР

1. Диагликоннинг самарадорлиги турли экспериментал гипергликемия моделларида тасдиқланди (ўткир алиментар, аллоксан, адреналин, оксихинолин).

2. Диагликоннинг гипогликемик таъсири инсулин секрециясини, гликогенни тўпланишини ортиши, шунингдек гликогенолизни секинлаштириши билан изоҳланади.

3. Диагликон кам захарли дори воситаси бўлиб, узоқ вақт қабул қилинганда тажриба ҳайвонлари томонидан яхши ўзлаштирилиши, гематологик, биокимёвий кўрсаткичларни ўзгартирмаслиги ва тўқималарда патоморфологик ўзгаришлар чақирмаслигини намоён қилган. Шунингдек, диагликон эмбриотоксик ва тератоген таъсирга эга эмаслигини кўрсатади.

4. Диагликон тажриба ҳайвонларининг асосий аъзо ва тизимларининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги юзага келади.

5. Оддий сачратки асосида олинган БФҚ бир марта юборилганда кам захарли препарат эканлиги, гипергликемиянинг тажриба моделида сезиларли гипогликемик таъсирни намоён қилади.

6. Диагликон препарати ва сачратки асосида олинган БФҚнинг гипогликемик таъсирга эгаллиги, безарарлигини ҳисобга олиб, қандли диабетнинг 2 -типини олдини олиш ва даволашда қўллаш тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSC 27.06.2017 FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**УСМАНОВА ЗАКИРА УСМАНОВНА**

**ФАРМАКО - ТОКСИКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СУММЫ  
БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ, ВЫДЕЛЕННЫХ  
ИЗ ТОПИНАМБУРА (HELIANTHUS TUBEROSUS L.) И  
ЦИКОРИЯ ОБЫКНОВЕННОГО (CICHORIUM INTIBUS L.)**

**14.00.17 – Фармакология и клиническая фармакология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/B233

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научные руководители:	Файзиёва Зиёда Тураевна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Аллаева Мунира Журакуловна доктор биологических наук, доцент Якубова Лутфия Каримджановна кандидат медицинских наук, доцент
Ведущая организация	Ташкентский Педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится « 30 » 01 2020 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Разового Научного Совета DSc 27.06.2017 Фаг.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте. (Адрес: 100015, г.Ташкент, Мирободский район, ул.Айбек 45. Тел.: (99871) 256-37-38 факс: (99871) 256-45-04); e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер № 17). Адрес: 100105, г. Ташкент, Мирободский район, ул.Айбек 45. Тел.: (99871) 256-37-38

Автореферат разослан « 16 » 01 2020 года.  
(Регистр протокола рассылки № 15 от « 16 » 01 2020 года).



**И.И.Алимджанов**  
Председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Ё.С.Кarieва**  
Учёный секретарь Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Б.Ш.Шoisлов**  
Председатель Научного семинара разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в системе здравоохранения всего мира заболеваемость сахарным диабетом является одной из глобальных медицинских и социальных проблем. По данным Международной диабетической федерации, число больных сахарным диабетом к 2025 году увеличится до 380 млн, из которых 90 % приходится на больных сахарным диабетом 2-типа.<sup>1</sup> Медико-социальная значимость сахарного диабета определяется многочисленными тяжелыми осложнениями заболевания, высокой инвалидизацией и смертностью. Изучение фармако-токсикологических свойств лекарственных препаратов, полученных на основе местного растительного сырья играет важную роль при профилактике и лечении данной патологии.

В мире ведутся научные исследования по изучению фармако-токсикологических свойств и определению механизма действия лекарственных веществ, влияющих на метаболические процессы для лечения сахарного диабета и его осложнений. В этом отношении считается актуальным, проведение научных исследований по изучению гипогликемической активности, создание доклинической фармако-токсикологической характеристики лекарственных средств и БАДов, полученных на основе из местного растительного сырья.

Республике большое внимание уделяется расширению ассортимента лекарственных средств и БАДов на основе местного растительного сырья, изучению их биологической эффективности и безвредности, собраны научные результаты в этом направлении. В четвертой главе «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 г.» установлены задачи «по развитию фармацевтической отрасли, обеспечению населения и медико-профилактических учреждений экономичными, эффективными, качественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями».<sup>2</sup> В связи с этим важно расширить ассортимент экспортных лекарств и биологически активных веществ, выпускаемых местными фармацевтическими компаниями, изучить их фармакотерапевтические эффекты и доказать их нетоксичность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, постановлении ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по регулированию производства и импорта лекарственных средств и предметов медицинского назначения» и ПП -3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых

<sup>1</sup> Тарасенко Н.А. Сахарный диабет: действительность, прогнозы, профилактика // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 6

<sup>2</sup> «Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “ О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”».

документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Анализ литературных данных показал, что исследованиями в области разработки и внедрения в медицинскую практику гипогликемических лекарственных средств на основе местного топинамбура и цикория занимались ведущие отечественные ученые. Профессор С.Н. Аминов, Н.К. Олимов и др. Они исследовали химический состав и стандартизацию, Х.У.Алиев и его ученики изучали фармако-токсикологические свойства, М.У.Усуббаев и др. разработали технологию препаратов на основе топинамбура. В результате были разработаны фармакопейные статьи и другие нормативные документы на клубни топинамбура и субстанцию Гликоиннувит.

В мире и странах СНГ проводятся исследования, направленные на получение субстанций и разработку лекарственных форм на основе лекарственных растений, поиском и изучением их фармакологических свойств занимались С.У. Lui, А. G. Wang, J. B. Yang, А. А. Спасов, В. И. Петров, Е. А. Краснов, Т. В. Якимова и др.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института (номер государственной регистрации 01970005204) и по контракту А-10-059 «Создание технологии пероральных антидиабетических препаратов на основе местного сырья и стандартизация».

**Целью исследования** является определение фармако-токсикологических свойств препарата диагликон, а также гипогликемического действия и острой токсичности БАД из цикория.

**Задачи исследования:**

изучить гипогликемические свойства препарата диагликон на различных моделях экспериментальной гипергликемии;

выяснить механизмы гипогликемического действия препарата диагликон;

изучить доклиническую фармако-токсикологическую характеристику препарата диагликон;

изучить хроническую токсичность препарата диагликон;

изучить влияние препарата диагликон на функций основных органов и систем организма животных;

изучить острую токсичность и биологическую активность БАД из цикория.

